(?-1130)
(1102-1130)

Корахонийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори. Тўлик исми Мухаммад ибн Сулаймон Довуд Кучтегин ибн Тамгачхон Иброхим. Баркиёрук вассали Сулаймонтегиннинг ўгли. 1102-йил Самарканд тахтига Арслонхон унвони билан ўтказилган. 12 минг мамлукдан иборат кўшин тузиб Дашти Кипчокка бир неча бор харбий юришлар килган. Умрининг охирида фалаж бўлиб колгани туфайли тахтни ўгиллари - дастлаб Наср, сўнг Ахмад билан бошкарган.
Самарканд салжукийлар томонидан эгаллангач (1130-йил 13-март), Арслонхон Балхга жўнатилган ва ўша ерда кўп ўтмай вафот этган. У Марвдаги ўзи курдирган мадрасага дафн этилган. Арслонхон даврида маданий хаёт бирмунча ривожланган. Бухоро ва унинг вилоятида кўплаб бинолар курилган. Масалан, Жаркўргон минораси ва Масжиди калон ёнидаги минора хозиргача сакланган.